

Шаъровий раҳимаҳуллоҳдан гўзал насиҳат



12:00 / 18.02.2022 3001

Қуръон қайси қори томонидан ўқиладиган бўлса ҳам, уни тинглаётган мусулмон киши «Мен гапирётган Аллоҳни эшитяпман» деб тасаввур қилиши ва ўқиётган қорини унутиши керак. Бу сўзимизга ёрқин мисол қилиб қуйидаги воқеани келтирамиз.

Улуғ имом, буюк тобеин Жаъфар ас-Содиқ (раҳимаҳуллоҳ) шундай дедилар:

«Мен нимадандир хавф қилаётган, қўрқаётган ва Аллоҳ таолонинг «Бизга Аллоҳнинг ўзи кифоя. У вакилликка ўта лойиқдир!», деган (Оли Имрон сураси, 173-оят) оятига суянмаган одамдан ажабландим. Чунки мен бу оятнинг ортиданок Аллоҳ таолонинг «Улар (Бадрдан жангсиз) Аллоҳнинг неъматини ва фазлини ила бирор ёмонликка учрамай қайтдилар» (Оли Имрон сураси, 174-оят) деганини эшитдим».

Бу ерда биз эътибор беришимиз керак бўлган нарса шуки, Жаъфар ас-Содиқ (раҳимаҳуллоҳ) аслида ушбу оятларни бирор қоридан эшитганлар ёки ўзлари Қуръонни ўқиб туриб эшитганлар. Аммо «Аллоҳ таолонинг шундай деганини эшитдим» дейишлари эса «Аллоҳ таоло гапиряпти, тўғридан-тўғри Аллоҳдан таолодан эшитяпман» деган тасаввурнинг кучлилигини англатади. У зот яна бу оятларни келтириш билан мўмин кишига дастур, йўл-йўриқ ҳам кўрсатмоқдалар. Демак, қўрқаётган, бирор

нарсадан хавфсираётган одам **لَيْكُ وُلُوْمٌ وَعُوْدٌ لِّلْاُنْبِيَا** (Бизга Аллоҳнинг ўзи кифоя. У вакилликка ўта лойиқдир) деб айтса, Аллоҳ таоло уни ўша қўрқувдан қутқарар экан. Чунки инсонни қўрқитаётган барча нарса Аллоҳнинг қуввати олдида ҳеч нарса эмас.

Жаъфар ас-Содиқ (раҳимаҳуллоҳ) ўз сўзларида давом этиб шундай дейдилар:

«Мен ғамга ботган, ғам чеккан ва Аллоҳ таолонинг «Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим» (Анбиё сураси, 87-оят) оятига суянмаган одамдан ажабландим. Чунки мен бу оятнинг ортиданок Аллоҳ таолонинг «Бас, Биз унинг (дуосини) ижобат қилдик ва уни ғамдан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берурмиз» (Анбиё сураси, 88-оят) деганини эшитдим».

Бу оятда Юнус (алайҳиссалом) улкан балиқнинг қорнида туриб қилган дуолари ва ўша дуонинг самараси баён қилинмоқда. Оятнинг охирида эса бу ҳолат фақат ўша пайғамбаргагина тегишли эмаслиги, балки барча мўминларга тегишлилиги, ким ғам чекаётган бўлса **لَا اِلٰهَ اِلَّا اَللّٰهُ** (Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен барча нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен ўзимга зулм қилувчилардан бўлдим) деб айтса, Аллоҳ уни ғамдан қутқариши эълон қилинмоқда.

Жаъфар ас-Содиқ (раҳимаҳуллоҳ) ўз сўзларида давом этиб яна шундай дейдилар:

«Мен қийин вазиятга тушиб қолган, одамларнинг макру ҳийласига дучор бўлган ва Аллоҳ таолонинг «Мен ўз ишимни Аллоҳга топширурман. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчидир» (Ғофир сураси, 44-оят) оятига суянмаган одамдан ажабландим. Чунки мен мазкур оятнинг ортиданок Аллоҳ таолонинг «Бас, Аллоҳ у (иймон келтирган киши)ни уларнинг ёмон макрларидан сақлади» (Ғофир, 45) деганини эшитганман».

Демак, кимга одамлар макр қилса, у дарҳол **لَا اِلٰهَ اِلَّا اَللّٰهُ** (Мен ўз ишимни Аллоҳга топширурман. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчидир) деса, Аллоҳ уни ўшаларнинг макрларидан сақлар экан. Инсон одамларнинг макру ҳийлаларига дош бера олмайди. У фақатгина мазкур дуони ўқиб, Аллоҳнинг ёрдами билангина ўша макрлардан қутулиб қолиши мумкин.

Жаъфар ас-Содиқ яна шундай дедилар:

«Мен дунёни ва унинг зийнати талаб қилган ва Аллоҳ таолонинг «Аллоҳ хоҳлаган нарсагина (бўлур), бор куч-қувват ёлғиз Аллоҳ биландир» (Каҳф сураси, 39-оят) оятига суянмаган кишидан ажабландим. Чунки мен ушбу оятнинг кетиданоқ Аллоҳ таолонинг «Бордию мени бойлик ва фарзанд жиҳатидан ўзингдан камроқ деб билсанг, шоядки, Роббим менга сенинг боғингдан яхшироқ (боғ) ато этар» (Каҳф сураси, 40-оят) деганини эшитдим».

Демак, инсон бойлик, мол-дунё талабида бўлса, бойлиги талафотга учрамаслигини истаса **لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَهُوَ الْغَنِيُّ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ** (Аллоҳ хоҳлаган нарсагина бўлур, бор куч-қувват ёлғиз Аллоҳ биландир) деб айтса, Аллоҳ уни ўз фазли билан бой қилади ва бойлиги талафотга учрашидан сақлайди.

Хулоса

Ким бирор кишидан ёки нарсадан қўрқса, **لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ** (Бизга Аллоҳнинг ўзи кифоя. У вакилликка ўта лойиқдир) деб айтсин!

Ким ғам чекаётган бўлса, **لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ** (Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен барча нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен ўзимга зулм қилувчилардан бўлдим) деб айтсин!

Ким одамларнинг макрига дучор бўлса, **لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ** (Мен ўз ишимни Аллоҳга топширурман. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчидир) десин!

Ким мол-дунё талабида бўлса, **لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ** (Аллоҳ хоҳлаган нарсагина бўлур, бор куч-қувват ёлғиз Аллоҳ биландир) деб айтсин!

Юқорида зикр қилинган тўрт ҳолат инсон ҳаётини издан чиқарадиган, унинг софлигига ва тинчлигига футур етказадиган вазиятлардир. Ўша вазиятларда мазкур дуоларни ўқилса, қийинчилик енгиллик билан ўтиб, мусибатлар, ғамлар тезроқ арийди. Зеро, Қуръон инсонни икки дунёда ҳам бахтли, саодатли, хотиржам бўлишига олиб борадиган Китобдир.

Шайх Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий раҳимаҳуллоҳнинг мавъизалари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади